

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВА ЛОЛАХОН АБДУЛҲАДИМОВНА

**АНТРОПОЛОГИЯ ВА ЭЛИТОЛОГИЯ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИНГ
ФАЛСАФИЙ – МЕТОДОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.01-Онтология, гносеология ва мантик

**Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

УЎК:

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора наук (DSc)

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Қурбонова Лола Абдулхадимовна

Антропология ва элитология ўзаро муносабатларининг фалсафий – методологик хусусиятлари..... **3**

Қурбонова Лола Абдулхадимовна

Философско-методологические особенности соотношений антропологии и элитологии **28**

Kurbonova Lola Abdulhadimovna

Philosophical methodological features of interrelation of anthropology and elitology..... **53**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works **58**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВА ЛОЛАХОН АБДУЛҲАДИМОВНА

АНТРОПОЛОГИЯ ВА ЭЛИТОЛОГИЯ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИНГ
ФАЛСАФИЙ – МЕТОДОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

09.00.01-Онтология, гносеология ва мантиқ

Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Fa124 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz.) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шермухамедова Нигинахон Арслоновна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Туленова Карима Жандаровна
доктор философских наук, профессор

Рузиева Рухсора Ходиевна
доктор философских наук

Саломова Хакима Юсуповна
доктор философских наук

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “_____” _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети

Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-қават, 117-хона. Тел: (99871)227-12-24; факс: (99871) 246-53-21; e-mail nauka@puuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел: 236-46-55, факс: (99871)246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил “_____” _____ да тарқатилди
(2018 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Х. Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

М.Т.Жакбаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсониятнинг учинчи минг йилликдаги тараққиёти жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий - мафкуравий соҳаларининг янгиланиши, одамлар дунёқарашининг ўзгариши билан бошланди. Ахборотлашган жамият деб ном олган XXI асрда файласуф олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар марказида инсоннинг интеллектуал салоҳияти, элитар маданияти ва ёшлар элитасини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Дунё ҳамжамяти, маънавий ресурслар ичида инсон капиталининг ўрнини алоҳида эътироф этмоқда. Зеро, 1948 йил 10 декабрда, БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларациясида аҳолининг ақлий фаоллиги ва маънавий маданиятини юксалтириш муҳимлиги белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи – назардан, дунё илмий маконида элитар таълимни ташкил этиш, ягона таълим жараёнини шакллантириш орқали билим интеграциясига эришиш, дунёда барқарорликни таъминлаш учун юксак маданиятли, акме шахсни тарбиялаш, унинг интеллектуал салоҳиятини бунёдкорлик ишларига йўналтириш ва иқтидорига яраша тақдирлаш ишларини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Демократик ислохотлар натижасида мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятни намоён қилиш учун ижтимоий - иқтисодий шарт - шароитлар яратилди, билим, маънавият ва маърифат каби қадриятлар ривожлантирилди. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жаҳон фани инновациялари ютуқларидан кенг фойдаланиш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб - қувватлаш мақсадида, 2017 йил 29 ноябрда Республика инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Бизнинг энг катта бойлигимиз бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.”¹. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда, мазкур тадқиқот иши маълум даражада ўз ҳиссасини қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар Академияси фаолияти, илмий - тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлари, 2017 йил 3 февралдаги “Махалла институтини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 27 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида фан ва техника, адабиёт санъат ва меъморчилик соҳасида

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. // Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. - Тошкент. Ўзбекистон, 2017.- 7 б.

давлат мукофотларни таъсис этиш тўғрисидаги фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги, 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб - қувватлаш тўғрисида”ги Фармонлари, ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик - бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хориж илмий тадқиқот ишларининг шарҳи. Антропологик элитология муаммолари, элита назарияси, жаҳоннинг қатор илмий - тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида, АҚШнинг Принстон университети, Шимолий - Ғарбий Техас университети, Германиянинг Йена университети, Австралиянинг Бергхоф тиббиёт илмий - тадқиқот институти, Буюк Британиянинг Бирменгем компьютер технологияси университети, Лондон шаҳар университети, Россиянинг сиёсий конъюнктура маркази, И.Бунин номидаги сиёсий технологиялар марказида олиб борилмоқда.

Жаҳонда антропологик элитологияга оид тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: АҚШнинг Принстон университети профессори Мартин Гилленс ва Шимолий - Ғарбий Техас университети профессори Бенжамин Пэйдж америка жамиятидаги америкача элитаризм ва антропологик элитизмнинг халқ қизиқишларига мутаносиблигини асослаган. Йена университети профессори Генрих Бест ва Техас социология университети профессори Жон Хисти ўз илмий- тадқиқот ишларида демократик элитизм назариясининг янги истиқбол концепциясини ишлаб чиққан. (Democratic elitism: New Theoretical and Comparative Perspectives, 2000.) Австралиянинг Бергхофер тиббиёт илмий - тадқиқот институти профессори Фрэнк Геннон тадқиқот ишларида элитизм ва элитаризмнинг мутаносиблиги масалалари ўрганилган. (Genon F. // Elitism and elitism // EMBO Report. V.54 2014 Art: PMC 1299043.) Бирменгем компьютер фанлари университети профессори Аарон Сломан антропологик элитологиянинг асосий шакллари тадқиқ этган ва Тони Блэр ҳокимият бошқарувида узок муддат ишлаган даврда элитаризм назарияси ўзини оқламаганлигини асослаган. (Sloman F. // In deference of a variety of elitism. A concept of elitism not understood by labour government ministers in Toni Blars government.) Лондон Шаҳар университети тадқиқотчиси Жо Литнер медиа – элитизм ва меритократик элитизмни ривожлантириш масалаларини таҳлил қилган. (Cultural Industries of the department of Sociology, City University London, United Kingdom.) Россия федерациясида элитанинг одамлар турмуш тарзига муносабатининг таҳлили Холдинг “Minchenko consulting” агентлигида олиб борилади. Сиёсий элитанинг жамиятдаги ўрни, М.В.Ломоносов номидаги

Москва давлат университети профессори В.И. Коваленконинг илмий ишларида таҳлил қилинган.

Ривожланган давлатлар илмий - фалсафий тадқиқот марказлари томонидан интеллектуал элита, демократик элитизм назарияси, сиёсий элитанинг жамиятдаги ўрни, элита ва фуқаролар қизиқишларининг мутаносиблиги, медиаэлитизм, мажоритаризм, антропологик элитизм, янги элитар назариялар, элитизмнинг салбий жиҳатларини аниқлаш мавзусида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз маърузаларида “Заҳматкаш инсонларнинг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, улар учун зарур шарт шaroитлар яратишни биз ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида кўришимиз даркор”¹ - зеро, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”² деб таъкидлайди. Унинг раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид концептуал ғоялар³ мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Ушбу фикрларнинг илдизлари қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, зардўштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да инсон табиатидаги яхшилик ва ёмонлик ижтимоий муносабатлар билан боғлиқлиги асосланган⁴. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Жалолиддин Румий, Абу Ҳомид Ғаззолий, Алишер Навоий ва бошқа шу каби Шарқнинг буюк мутафаккирлари қарашларида инсонни назарий ақл бошқариши баён қилинган. Ал-Форобий фикрича “Инсон шахсини шакллантирадиган, уни бошқа махлуқотлардан ажратиб турадиган ва унда инсоний хислатларни ривожлантирадиган нарса унинг фаол ақлидир”⁵. Бу фикрда инсонга хос бўлган ақл улуғланиб, эмоционал руҳий ҳолатлар иккинчи даражали ҳисобланади. Ж. Румийнинг “Инсон аввало кўзини очишга ва очилган кўзлари билан ўз моҳиятига назар ташлашга ҳаракат қилади”⁶ деган фикрида инсонга хос бўлган доимий изланувчанлик ва ижод эркинлигига ишорани кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда инсоннинг моҳиятини ўрганишга бағишланган изланишлар шартли равишда икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга инсоннинг ижтимоий моҳияти ва ривожланиш қонуниятлари, жамиятнинг тадрижий ривожи жараёнидаги ўрни ва аҳамияти⁷, иккинчи гуруҳга инсон борлигининг

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. -Тошкент. Ўзбекистон, 2017. –Б.7

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент. Ўзбекистон, 2017. –Б.7

³ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси// “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти-www.lex.uz.

⁴ Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик. А.Махкамов таржимаси.-Тошкент. Шарқ, 2001.-383 б.

⁵ Ал-Форобий. Фозил шаҳар аҳолиси.-Тошкент. Янги аср авлоди, 2016. –Б.69.

⁶ Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир.-Тошкент, Янги аср авлоди, 2013.-Б.63.

⁷ Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертация охиридаги “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

тузилиши ва унинг компонентларини ўрганиш бўйича илмий ишлар мансуб¹. Мазкур адабиётларда инсон борлигининг ўзига хос хусусиятлари, унинг вазият таъсирида ўзгарувчанлиги, барқарорлиги ва беқарорлиги таҳлил этилган. Хусусан, Н. Шермухамедова инсон борлигининг асосини онг ташкил этишини, онгнинг структураси ва функцияларини таснифлайди.² Дарҳақиқат, онг инсонни бошқа барча тирик мавжудодлардан фарқловчи бош омил, инсон фаолиятида онглилик ва онгсизлик диалектикаси бир - бирига ўзаро ўтувчанликда намоён бўлади, бироқ бу фикрда онглиликнинг мутлақлаштирилишини кузатиш мумкин. 3. Муминова эса инсон борлигини индивидуаллашган маънавий борлиқ ва объективлашган маънавий борлиққа бўлади шунингдек, объективлашган маънавий борлиқнинг аҳамиятини юқори баҳолайди³. Албатта, субъектив маънавий борлиқ объектив маънавий борлиқ таъсирида шаклланади аммо, индивидуаллашган маънавий борлиқ инсоннинг ички рухий ҳолатини белгиловчи мезон сифатида устувор бўлади.

Инсон ҳақидаги таълимотлар ғарб мутафаккирлари Ж.Ламетри, Д.Дидро, К.Гельвеций, И.Кант, М.Шеллер ижодининг бош мавзусига айланган. Масалан, Ж.Ламетри ўзининг биринчи фалсафий асарини «Жоннинг табиий тарихи», асосий фалсафий асарини эса «Инсон-машина»⁴ деб номлаган. К.А.Гельвеций «Ақл ҳақида» «Инсон, унинг ақлий қобилияти ва тарбияси ҳақида» каби асарларида инсон мавжудлигини таърифлашга ҳаракат қилган ва ҳатто ўзининг шеърини асарини «Бахт»⁵ деб номлаган. Буюк немис файласуфи И.Кантнинг фикрича, “Инсон учун мактаб бўлиб хизмат қиладиган маданият соҳасидаги барча муваффақиятларнинг мақсади ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни амалиётга татбиқ этишдан иборатдир. Аммо, бу билимлар татбиқ этилиши мумкин бўлган дунёдаги энг муҳим предмет инсондир, зеро, у ўзи учун пировард мақсаддир”⁶. Бу ғояда инсоннинг нафақат билим, балки бу билимдан амалда фойдаланиш малакаларини шакллантириш муҳимлигига ишорани сезиш мумкин.

XX асрнинг 20 йилларида инсоннинг моҳиятини ўрганишга алоҳида ёндашув - фалсафий антропология шаклланди ва уни М.Шелер⁷ ривожлантирди. У жамият инқирози, ижтимоий қарама-қаршиликлар ва бошқа зиддиятларни инсоннинг шахсий инқирози аломатлари деб ҳисоблади.

Антропология билан бир қаторда, сўнгги йилларда нашр этилган адабиётларда инсон мавжудлигининг асосларидан бири элитология асосан ижтимоий-сиёсий йўналиш сифатида ўзининг муносиб ривожини

¹Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертация охиридаги “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

²Шермухамедова Н. Инсон фалсафаси. –Тошкент. “Ношир” нашриёти, 2017. – 456 б. Фалсафий антропология //Фалсафа.Ўқув услубий мажмуа. Тошкент. “Ношир” нашриёти. 2012 – 468 б.; Давронов З. Компьютерни илмий билиш // Иқтисод ва ҳисобот. 2010, №5/6.-Б. 59-60. Тўраев Б. Каримов Б.Окилона қадрият мўлжаллари.- Тошкент.Фан, 2014.-312 с.

³ Муминова З. Маънавий борлиқнинг синергетик таҳлили. Самарқанд. Зарафшон нашриёти, 2016. –Б.17.

⁴ Ламетри Ж. Человек –машина.-Москва. АГРАФ, 2005.-С.43.

⁵ Гельвеций К. Счастье // Всемирная энциклопедия. -Киев, 2001. –С.456

⁶ Кант И. Сочинения 6 том.-Москва. Наука, 1996.-С.651.

⁷ Шелер М Положение человека в космосе. –Москва. Прогресс, 1994. – С. 47.

топаётганидан далолат беради¹. Айни пайтда элитарликни ижтимоий-сиёсий ёки иқтисодий ҳодиса сифатида эмас, балки умуминсоний ижтимоий-маданий феномен сифатида ўрганишга бағишланган асарлар деярли мавжуд эмас. Шу боис, диссертацияда элитар онг муаммоси, яъни элита шахси тўғрисидаги масала биринчи ўринга қўйилган. Элита шахсининг таҳлили элитанинг хусусиятларини ҳам, элитарлашув жараёнини белгилловчи мезонларни ҳам аниқлаш имкониятини бериши лозим. Вазифа, антропологик элитологиянинг теранлик даражаси ва унинг умумий элитология учун аҳамиятини кўрсатиб бериш, шахснинг элитарлашуви муаммосини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи антропологик элитологиянинг мавжуд муаммоларига эътибор қаратишдан иборат.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг “Фалсафанинг умумметодологик масалалари”, Андижон давлат университетининг илмий - тадқиқот дастурлари: “Глобаллашув даврида антропологик инқироз ва уни олдини олиш усуллари” (2012-2014 й.); “Сиёсий менталитет ва ижтимоий жараёнлар диалектикаси механизмларини тадқиқ этиш” (2015-2017 й.) мавзусидаги илмий лойиҳалар таркибида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсоннинг ижтимоийлашуви жараёнида баркамолликнинг элитар онгдаги ифодаси, элита, элитология, элитаризмнинг ўзаро алоқаси ва фарқини асослаш

Тадқиқотнинг вазифалари:

инсоннинг онтологик моҳиятига доир қарашларни тизимлаштириш, инсон борлиғидаги физик, кимёвий, нейропсихологик омилларнинг ижтимоийлашув ва элитарлашув билан боғлиқлигини очиб бериш;

элитологиянинг ривожланиш тарихини таҳлил этиш, элитар педагогика ва интеллектуал элитанинг элитар маданиятни шакллантиришдаги ролини ёритиш;

антропологик элитология таълимотининг элитар тарбия жараёнидаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилиш;

¹ Қаранг: Ашин Г.К. Элитология: смена и рекрутирование элит. – Москва. Наука, 1998; Ашин Г.К., Охотский Е.В. Курс элитологии. – Москва. Наука, 2013. – 436 с. Гаман-Голутвина О.В. Процессы современного элитогенеза: мировой и отечественный опыт.// Полис. 2008 №6.-С.68-69; Гаман-Голутвина Политические элиты как объект исследования в отечественной политической науке.-Москва. Политическая наука № 2, 2016.- С.38- 45. Devline J. The Rise of the Russian Democracy.The Causes and Consequences of the Elite Revolution, 2014; Lane D. and Ross C.,The Transition from Communismto Capitalism. Ruling Elites from Gorbachev toYeltsin, N.Y., 2013; Zimmerman W., Russian People and Foreign Policy: Russian Elite and Mass Perspectives 1993—2000. N.Y., 2015; Карабущенко П., Резаков Р. Теоретические основы элитологии образования. Астрахань 2008; Kemple T. Culture and Society, L., LosAng., 2015; .Маркин А.Н. Менталитет римской имперской аристократии в изображении К.Тацита и Плиния Младшего (некоторые аспекты). Диссертация на соискание ученой степени канд. ист. наук. – Москва. 1996; Прокопенко Л.А. Новые политические элиты в государствах Юго-Африки.- Москва. Институт Африки РАН, 2011. -252с; Понеделков А.В. Политико-административная элита: генезис и проблемы ее становления в современной России (региональный политологический анализ).– Москва. 2014; Суслов А.А. Теория элит в социальной философии. Диссертация на соискание ученой степени к.ф.н. – Волгоград. 1997; Тарусин П.В. Циркуляция элиты: методы изучения и вызовы практики. Общественные науки и современность 2014. № 2.-С.64-78.

шахс элитологияси тушунчасига муаллифлик таърифини бериш, элитар онг ва элита маданиятида миллий руҳнинг намоён бўлиш имкониятларини очиб бериш;

элитар таълим ва узлуксиз таълим мутаносиблигини таъминлаш, элитар онг даражасига эришиш, ёшлар интеллектуал элита қатламини тарбиялашнинг такомиллашган механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти инсоннинг антропологик ва элитар табиати тадқиқи

Тадқиқотнинг предмети антропологик элитология ва элитар таълим шаклланишига таъсир қилувчи омиллар.

Тадқиқотнинг усуллари ўзаро алоқадорлик, объективлик, тарихийлик, ворисийлик тамойиллари ва қиёсий таҳлил, синтез, тарихий аналогия, тизимли ёндашув методлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсон табиатидаги индивидуаллашув ва элитарлашув жараёнининг физик, кимёвий, биологик ва нейропсихологик хоссалар билан боғлиқлиги онто - гносеологик таҳлиллар асосида фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

инсон капитали – маънавий, маданий тарбия ва таълим жараёнида тўпланиши, бугун таълимга сафрланган сармоялар, келажакда ўз билимларини шахсий эҳтиёжлари ва жамият ривожига учун йўналтиришга қодир бўлган баркамол инсонни шакллантириш омили эканлиги илмий асосланган;

элитар маданият ва элитар таълимни такомиллаштириш, глобал таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш учун педагогик элитани тарбиялашнинг зарурати, тараққиётнинг янги босқичида хусусий таълим тизимини ташкил этишнинг объектив ва субъектив имкониятлари асосланган;

антропологика ва элитология тарихий жиҳатларининг аналогияси асосида онг элитологиясининг индивидуал характери ва миллий руҳи, ёшлар интеллектуал элитаси ижодий имкониятларининг эпистемологик мезони эканлиги фалсафий асосланган;

сиёсий менталитет ва ижтимоий жараёнлар диалектикасининг таҳлили асосида антропо-элитологик категориялар (элита, лидер, даҳо, элитаризм, эголитаризм)нинг комил инсон ғояси билан мутаносиблигини таъминлашнинг зарурати очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ижтимоий муҳит таъсирида инсоннинг ўз - ўзини тарбиялаш, воқеликка мослашиш, унга нисбатан тегишли муносабат билдириш, малакасини шакллантиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилган;

шахснинг ижтимоийлашуви ва элитарлашуви жараёнида антропологик элитология соҳасида олиб борилган тадқиқот натижаларидан фойдаланишнинг усул ва воситалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган

натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти. Инсоннинг моҳиятини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишларида, давлат ҳамда нодавлат - нотижорат ташкилотларда инсоннинг ижтимоийлашуви ва элитарлашуви билан боғлиқ маърузаларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқотда илгари сурилган назарий - фалсафий ғоялар, тавсиялар инсон фалсафасига янгича муносабатни шакллантиришда муайян маънода илмий тафаккурни бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Шахслараро муносабатларни тартибга солишда, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ютуқларини амалиётга тадбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Антропология ва элитология ўзаро муносабатларининг фалсафий - методологик хусусиятлари таҳлили бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

фалсафий антропологиянинг ўзагини инсон ташкил этиши, ички механик ҳаракат, иссиқлик ва электр энергияси, физик-кимёвий ва табиий қонуниятлар инсоннинг антропологик моҳияти эканлигига доир масалалар “Инсон фалсафаси” дарслигининг биринчи қисми “Инсон мавжудлигининг табиий ва ижтимоий асослари” мавзусини тайёрлашда шунингдек, инсон капитали – маънавий, маданий тарбия ва таълим жараёнида тўпланиши, бугун таълимга сафрланган сармоялар, келажакда ўз билимларини шахсий эҳтиёжлари ва жамият ривожига учун йўналтиришга қодир бўлган баркамол инсонни шакллантириш омили эканлиги билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар дарсликнинг учинчи қисми “Цивилизациялар ўзгариши даврида инсон” мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган; (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 март № 89-03-942 сон маълумотномаси.)

элитар маданият ва элитар таълимни такомиллаштириш, глобал таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш учун педагогик элитани тарбиялашнинг зарурати, тараққиётнинг янги босқичида хусусий таълим тизимини ташкил этишнинг объектив ва субъектив имкониятлари тўғрисидаги таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида олиб борилган Ф1 – 067+Ф1-089 – “Давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштиришнинг назарий – методологик масалалари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада, бошқарув кадрларини тайёрлашга лаёқатли бўлган педагогик элитани тарбиялаш бўйича илгари сурилган ғояларни амалиётга тадбиқ этишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2017 йил 10 мартдаги № ФТК 0313/269 сонли маълумотномаси). Илгари сурилган таклиф ва тавсиялар бошқарувни демократлаштиришнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини такомиллаштириш имконини берган;

антропология ва элитология тарихий жиҳатларининг аналогияси асосида онг элитологиясининг индивидуал характери ва миллий руҳи, ёшлар

интеллектуал элитаси ижодий имкониятларининг эпистемологик мезони эканлигига доир таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва Маърифат марказининг 2017 йил иш режасининг 32-банди “Маънавий кадриятлар урф-одатларимиз ҳамда миллий тарбиямиз анъаналарини кенг тарғиб қилиш”, 5-банди “Мафкуравий иммунитет” туркумида аҳоли ўртасида ватанга садоқат, миллий ўзликни англаш фазилатларини шакллантириш юзасидан ташкил этилган семинар–тренингларда тарғибот материали сифатида амалиётда қўлланилди. (Республика Маънавият ва Маърифат Марказининг 2017 йил 28 ноябрдаги 02/03 - 1162 сонли маълумотномаси). Марказ томонидан олиб борилган маънавий - маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасидаги тарғиботларда фойдаланилган таклиф ва тавсиялар аҳолининг турли ижтимоий қатлам вакиллари, айниқса ёшларда “Лидерлик” муаммосининг салбий талқини эвазига содир бўлаётган нохуш ҳолатларни олдини олиш, урф – одат ва миллий тарбия анъаналарини тарғиб қилиш, мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилди;

сиёсий менталитет ва ижтимоий жараёнлар диалектикасининг таҳлили асосида антропо-элитологик категориялар (элита, лидер, даҳо, элитаризм, эголитаризм)нинг комил инсон ғояси билан мутаносиблигини таъминлашнинг заруратига доир таклиф ва тавсиялар Тадбиркорлар ва Ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал Демократик Партиясининг “Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага” “Аёллар инновацион ривожланиш тарафдори”, “Дурдона” мавзуларда ёшлар билан ўтказилган очик мулоқотларда ҳамда аҳолининг маънавий маданиятини янада юксалтиришга қаратилган амалий фаолиятда кенг фойдаланилган. (Тадбиркорлар ва Ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал Демократик Партиясининг 2018 йил 17 январдаги 01-27/42 сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар жамиятни ислоҳ этиш, модернизациялаш жараёнида миллий ва диний кадриятларни ривожлантириш, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш, жамият аъзоларининг ижтимоий - сиёсий фаоллигини ошириш имконини берган;

ёшларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб қувватлаш, эгалланган билим эвазига уларнинг элитарлашувига оид таклифлардан “Ozbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонаси “Ахборот”, “Таҳлилнома” информацион таҳлилий кўрсатувларининг “Демократик ислохотлар натижасида мамлакатимизда интеллектуал салоҳият, билим, маънавият ва маърифат каби кадриятларни ривожлантириш” (27 апрель 2015 йил “Ахборот” информацион кўрсатуви), “Илмий – интеллектуал элитанинг ижтимоий ва профессионал масъулиятини ошириш, дунё интеллектуал элитаси ижодий ҳамкорлигига таяниш, глобал маконда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг илмий – стратегик йўналиши” (17 сентябрь 2016 йил “Ахборот” информацион кўрсатуви), “Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш тўғрисида”ги (24 сентябр 2017 йил “Таҳлилнома”) мавзулар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий

телерадиокомпаниясининг 2017 йил 8 ноябрь № 05-15/4646 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар ва тавсиялар инсоннинг яратувчанлик ва инсонпарварлик жиҳатларини ёритиш имконини берган ва амалий тадбирларнинг юқори савияда ўтказилганлигига назарий асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 4 та халқаро ва 39 та республика илмий-амалий анжуманида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та мақола, жумладан 8 та республика ва 2 та хорижий журналларда, 1 та монографияда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 205 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот баён этилган.

Диссертациянинг **“инсоннинг дунёдаги ўрнига оид онто-гносеологик қарашларнинг илмий-назарий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида Ғарб ва Шарқ фалсафасида инсоннинг онтологик моҳияти, дунёқараши, руҳий ҳолати ва ҳаракатларида ўзини намоён қилиши асосланган. Онтологик нуқтаи назардан инсоният нима?, у сайёраларнинг бирида оз муддатга тарқалган ва изсиз йўқ бўлиб кетадиган жонли протоплазманинг Коинотдаги заррасими ёки космик миқёсдаги феномен, оламни қайта қуришга қодир бўлган қудратли ақлли кучми?, - деб савол қўйилган ва жавоб ўрнида инсониятнинг Коинотдаги имкониятларига баҳо бериш учун, баъзи бир муҳим шартлар таснифланган. Хусусан, кишилиқ жамияти атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг шундай бир воситаларини яратадики, уларнинг қуввати табиат кучларининг қуввати билан тенг ва космик миқёсдаги фаолият учун амалда етарли бўлиши мумкин.

Ночизиқ диссипатив системалар эволюциясининг синергетикада аниқланган қонуниятларидан муайян шароитда, кичик локал флуктуациялар бутун системада оламшумул ўзгаришлар ясайди. Астрофизик ва космологик тадқиқотларнинг натижалари, Коинотнинг фундаментал физик константалари ўзаро муштарак эканлигидан далолат беради. Уларнинг бирортаси масалан, ёруғлик тезлиги, электрон заряди, гравитация ўзгармас катталигининг ҳозирги

қийматидан оғиши, Коинотда атомлар, юлдузлар, галактикалар мавжуд бўлмаслиги, ҳаёт ва ақл мавжудлиги учун шароитлар вужудга келмаслиги учун кифоядир. Бу эса Метагалактиканинг фундаментал хоссалари билан унда инсоннинг мавжудлик далили ўртасидаги узвий боғланишни акс эттирувчи инсоннинг онтологик жиҳатини таърифлаш учун асос бўлади ва инсон, амалда мавжуд бўлган ҳар қандай дунёда эмас, балки унинг хусусиятларини белгиловчи физик константаларнинг ўта аниқ мажмуи билан тавсифланувчи дунёдагина пайдо бўлишини билдиради. Коинотнинг, унда айнан инсон мавжудлиги учун зарур шароитлар билан ташкиллашганлигини англатади. Агар у ўзгача бўлганида, унда инсон мавжуд бўлмас эди.

Шундай қилиб, диссертант фикрича онтологик жиҳатдан ўзгача дунёлар инсоннинг «уйи», унинг яшаш жойи бўлиши мумкин эмас. - XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида астрономиянинг ривожланиши Ердан ташқарида цивилизациялар мавжудлигига бўлган шубҳани янада кучайтирди. Бу биринчидан, астрономик маълумотларга аниқлик киритилиши ақлли ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин деб тахмин қилиш космик объектлар сонининг сурункали қисқаришига олиб келади. Иккинчидан, ривожланган цивилизацияларгина амалга оширишга қодир бўлган космосни ўзлаштириш имкониятлари билан Ердан ташқаридаги цивилизациялар фаолиятининг амалда кузатиловчи бирон-бир кўринишлари умуман мавжуд эмаслиги ўртасида зиддият вужудга келади¹. Бу зиддиятни муаллиф «астросоциологик жумбоқ» деб номлайди. Ердан ташқаридаги цивилизацияларнинг радиосигналларини ва уларнинг космосдаги фаолияти натижасида қолган бирон - бир изларни қидириш ҳозирча ҳеч қандай самара бергани йўқ.

Тадқиқотчи, қадимги антропоцентризм ғояси янгича асосда тикланганлиги, инсон яна Коинотнинг марказига қўйилганлигини таъкидлайди. У дунёни қайта қуришга қодир бўлган қудратли куч сифатида намоён бўлади. Чунончи, инсон тафаккури дунё эволюциясининг энг муҳим омили сифатида тушунилмоқда.

Америкалик олим Ж.Чунинг “бутстрап” назариясидаги дунё илмий манзарасида инсоннинг ўрнига оид қарашларни¹, Д. Бом таълимотидаги дунё ва инсон яхлитлиги ғояси билан умумий эканлигини асослаб, тадқиқотчи Д.Бомнинг нарсалар тартибини тушуниш учун голографик ҳаракатга онгни киритиш шарт, деган фикрини тасдиқлайди. Дарҳақиқат, онг ва материя ўзаро боғлиқ, лекин улар орасида сабабий боғланиш йўқ, яъни бири иккинчисининг сабаби эмас. Олимларнинг фикрларини таҳлил қилар экан², диссертант, фанда биз яшаётган дунёга инсон омилининг киритилиши инсон онтологияси деб номланади, деган хулосага келади. Унга кўра, постноклассик фан инсонни нафақат билиш субъекти сифатида, балки барча жиҳатларни қамраб олган ўзаро алоқалар “тўри” сифатида талқин этиши мумкин. Унинг қарор топишида фанда

¹ Гиндилес Л.М. Астросоциологический парадокс в проблеме SETI // Астрономия и современная картина мира. -М.:1996. —С.76.

² Чу Жеффри. Теория бутстрапа. -Москва. Издательство Трансперсонального института, 1996. -С.43-44.

² Қаранг: Тальбот М. Голографическая Вселенная // Перев. с англ. — Москва. Издательский дом «София», 2014. — 368 с. ISBN 5-9550-0482-3; Моисеев Н. Избранные труды: [В 2 т.] // Никита Николаевич Моисеев; Вычисл. центр им. А. А. Дородницына РАН. Фонд глоб. проблем выживания человечества им. Н. Н. Моисеева. — Москва. Тайдекс Ко, 2014, (ГУП Смол. обл. тип. им. В. И. Смирнова). ISBN-016-5.

аниқланган тўртта константадан бирортасида жуда кичик оғиш бўлса, ҳаёт ва инсон пайдо бўлмаслиги мумкин.

Тадқиқотда К. Юнгнинг инсон онтологиясига оид таълимоти таҳлил қилиниб, унинг инсон онги (тафаккури, ақли) ожизлик қиладиган ҳолларда психиканинг онгсиз қисми ҳаракатга тушади – онгсизликдаги муайян жараёнлар архетипик образлар, белгилар, символлар сифатида онг соҳасига ёриб киради деган фикрига ижобий баҳо берилган. Инсон психикасидаги ғайритабиий ҳолатларнинг пайдо бўлиш механизмини тушуниш учун инсон ўз кечинмалари доирасидан чиқиши ва диққатни космологик тузилмаларга қаратиши кераклиги, К.Юнг ижодининг таҳлили мисолида очиб берилган. Олам, Юнгнинг талқинига кўра, жисмларни ўз ичига олган жой эмас, балки психофизик (руҳий-моддий) бирликдир. Инсон эса – онга эга бўлган жисмоний мавжудот эмас, балки жисмоний - руҳий бирликдир. Диссертант, Юнг қарашларига таяниб, инсон онтологияси - инсон ва коинотнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганади, коинот ривожланишининг келажаги билан ўтмишни боғлиқ ҳолда тушунтиради, деган хулосага келади. Айни пайтда инсон тана, жон ва руҳ бирлигидир. Ҳаёт муаммоларини фақат тана билан боғлаш самарасиздир. Жон ва руҳ ҳаётини мўлжалларни эгаллаш учун асос бўлади. Шу маънода инсон онтологияси — ҳозирги давр космологияси тамойилларидан бири бўлиб, мураккаб тизим ва космик мавжудот сифатидаги инсон мавжудлигининг Коинотнинг физик параметрларига яъни, фундаментал физикавий ўзгармас қийматлар – Планк константаси, ёруғлик тезлиги, протон ва электрон массасига боғлиқлигини таъкидлайди. Бошқача айтганда олам инсон яшаши учун шарт-шароит таъминланган даражада “ташқиллашган”.

Диссертацияда инсон онтологиясининг диний ва илмий талқинлари тадқиқ этилган. Хусусан, диний талқинда Худо, оламини инсоннинг эҳтиёжларига мувофиқ қиладиган қилиб тузган бўлса, илмий нуқтаи назардан физикавий оламнинг табиийлиги асосланган.

Инсоннинг космик фаоллиги ортиб бораётган ҳозирги даврда инсон онтологиясининг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Антропоген инқироз – инсон фаолияти туфайли келиб чиққан инқироз бўлиб, унда инсон билимининг таъсири ва уни қўллаш соҳаси бирламчи аҳамият касб қилмоқда. Зеро, ақл-заковат инсоннинг энг катта бойлиги. Фақат инсонгагина табиат, жамият ва ўзини билиш қобилияти хос. Фалсафа фани инсоннинг моҳиятини очиш, ички дунёси, одоб-ахлоқи, орзу-интилишлари, маънавиятини англаб олиш ва ундан тегишли хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Диссертацияда, Шарқ ва Ғарб фалсафасида инсон борлиги ҳақидаги қарашлар, чунончи, қадимги ҳинд Ведалари, конфуцийлик ва зардуштийлик таълимотларида инсоннинг ақл имкониятларига берилган баҳо қиёсий таҳлил этилган бўлиб, бу таълимотларда инсон ҳаётининг маъно ва мазмунини бойитиш, фаровон турмушни яратиш учун шахслараро муносабатларда гуманизм тамойилларига риоя қилиш, энг муҳими инсоннинг ўзини ўзгартириши, унинг руҳий - маънавий оламини такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Демак, шарқда инсон буюк қадрият деб эълон қилинган.

Абу Наср ал-Фаробий, Ибн Халдун, Ж.Румий каби Шарқ мутафаккирларининг инсонга оид антропологик қарашларини қиёсий ўрганиб, муаллиф, Абу Наср Фаробий ва Платоннинг жон ҳақидаги таълимотида фарқларни асослаган. Зеро, Платон жоннинг бир танадан иккинчи танага ўтиши ва унинг абадийлигини таъкидласа, Фаробий жон танадан олдин мавжуд бўлмаслиги, ундан айри ҳолда эмаслиги ва бир танадан бошқа танага кўчиб ўтмаслиги ҳақидаги ғояни илгари суради. Фаробий таъкидлаганидек, инсон ўзининг ақл-заковати билан оламдаги бошқа тирик мавжудотлардан тубдан фарқ қилади. Инсон ақли олам сирларини билишда энг юксак чўққига кўтарилганда, “дунёвий ақл”, “дунёвий рух” билан қўшилади.

Тадқиқотда, И.Халдун, Ж.Румий ва Ф.Ницшенинг инсон табиатига оид қарашлари қиёсий ўрганилган ва уларнинг ғояларидаги умумийлик асосланган. Дарҳақиқат, Ж.Румий фикрича, агар одамлар ўз ҳолига қўйилса ва инсоний руҳда тарбияланмаса, унда Худо неъматини қўлга киритиш камдан-кам кишига муяссар бўлади. Хайр ва шарр оралиғида қолиб, ҳар иккисидан бирини танлаш лозим бўлганида, у шаррни танлайди, зеро, инсон табиатида шаррга мойиллик кўпроқ. Адолатсизлик ва бошқаларга ҳужум қилиш инсонларга хос хислат. Шу боис, жамиятда кишиларнинг бир-бирларига жабр қилмасликлари учун маърифатга эришмоқ зарур. Инсон ўзининг ички оламидаги ёзувларни ўқий олади ва уларни бошқара олиши мумкин.¹ Ф.Ницшенинг фикрига кўра ҳам, одам боласида махлуқ ва холиқ бир бутун бўлиб уюшади. У махлуқ деганда - одамдаги ҳайвоний, холиқ деганда - одамдаги инсоний фазилатларни тушунади, яъни Ф.Ницшенинг фалсафий қарашларида одамни махлуқликдан холиқлик даражасига кўтариш марказий ўринни эгаллайди. Ўз навбатида, “ҳазрати инсон” шахсининг ҳокимият томон узлуксиз интилиши - заруриятдир. Демак, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг инсон ички руҳий ҳолатига берган таърифларига кўра, қайси давр ва жамият бўлишидан қатъий назар инсонга яхшилик ва ёмонлик хослиги ҳақиқатдир. Шу нуқтаи назардан, 2018 йил Хитойда 25 - Жаҳон фалсафа конгрессининг “Инсон бўлишни ўрганайлик” номи остида ўтказилиши дунё халқларини иймонли, эътиқоди бут бўлишга, виждон софлиги, қалб поклигига эришишга даъват деб ҳисоблаш мумкин.

Муаллиф XVII аср Ф.Бэкон, Т.Гоббс, Ж.Локк каби Ғарб файласуфларининг инсон танасининг тузилиши, моддий - маънавий ҳолати ҳақидаги янгича фикр - мулоҳазаларини таҳлил этади. Уларнинг фикрича, фалсафанинг асосий вазифаси - инсон ҳаётини яхшилашдан иборат бўлмоғи лозим. Диссертант ҳам инсон ҳаётининг фаровонлашуви, унинг қалбидаги бесаранжомликни бартараф этиши ва доимий яхшиликка ундаши мумкин деб ҳисоблайди. Қалбдаги хотиржамлик эса, инсоннинг жамиятдаги мавқеи ва ундан розилигида намоён бўлади. Шу боис, ҳозирги даврда Ўзбекистон Президенти томонидан амалга оширилаётган ислохотлар халқимизни, одамларни рози қилиб яшашни таъминлаш йўлидаги фидоийликнинг ёрқин ифодасидир.

¹ Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир. Тошкент, Янги аср авлоди, 2013. –Б. 73.

Диссертацияда М.Хайдеггер, К.Ясперс, С.Керкегор ижодида инсон борлигига оид янги муносабатлар тадқиқ этилган. Хусусан, С.Керкегорнинг инсон нафақат, ақлли интеллектуал мавжудот, балки руҳий мавжудот сифатида ўз ҳаётининг турли даврларида ё ижобий, ё салбий томонларга қараб ўзгариши, баъзида бир даражада қолиши ҳам мумкинлигига оид қарашлари, алоҳида тадқиқ этилган¹. Дарҳақиқат, экзистенциализм инсон ўзининг олижаноб гуманистик мақсадларига эришмоғи учун, мутлақо эркин бўлмоғи зарур деб тушунтиради. Инсон эрки ўз кўлида бўлса, ўз ҳаётидаги маънавий-ахлоқий мўлжалларини ўзи танлаш имкониятига эга бўлади.

Муаллиф, К.Ясперснинг ҳозирги даврда инсон ҳаётга бўлган қизиқишини йўқотиб бормокда, инсон борлиғи ташқи борлиқдан ажралган деган ғояларини танқид этади. Зеро, инсоннинг ички руҳий ҳолати сирли эканлигини инкор этмаган ҳолда, унинг бутунлай ташқи борлиқдан ажралиши жамиятдан узилиши ва бегоналашувига олиб келиши мумкин. Ҳозирги даврда, ҳар қачонгидан ҳам кўра “инсонга инсон керак”, у жамиятда ўз ўрнини ҳис қилиши лозим, акс ҳолда у том маънодаги беҳуда умр эгасига айланади. Демак, инсон ҳаётда шунчаки яшаши эмас, балки ҳаётнинг мақсадини билиш, ижод қилиш, янгилик яратиш орқали шахс сифатида камолотга эришиши, жамиятда ўзининг кераклигини ҳис этиши лозим.

Хуллас, Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари фикрларини қиёсий ўрганар экан, диссертант уларнинг инсон руҳий ҳолатига оид ғояларидаги умумийлик ва фарқларни асослайди. Экзистенциал фалсафада инсоннинг маънавий оламидаги энг асосий туйғу – эркинлик бўлса, шарқ фалсафасида муҳаббатдир. Зеро, “Муҳаббатсиз ҳаёт дўзах”, айнан муҳаббат қалбнинг беғуборлигини, фикрлар теранлигини, мақсаднинг аниқлигини, инсон руҳий борлигининг мувозанатини таъминлайди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Фалсафий антропологиянинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи”** деб номланиб, унда фалсафий антропологиянинг назарий талқини ва амалий аҳамияти, антропологик элитология ва фалсафий антропологиянинг ўзаро алоқаси ва фарқи тадқиқ этилган. Диссертацияда инсон ҳақидаги фалсафий фаннинг предмети «инсоннинг ривожланиш диалектикаси» деб таъкидланган ва академик С.Шермухамедов, профессорлар, С.Чориев, М.С.Коган, И. Фроловнинг² инсон ҳақидаги яхлит фанни яратиш мумкин, деган қарашлари қўллаб қувватланган. Уларнинг фикрича, инсоннинг дунёқараши ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади ва у шу дунёқараш негизида ўз қобилятини намоён этади, бор бўлиш имкониятларидан фойдаланади. Хусусан, С. Шермухамедов инсон дунёқараши унинг ҳатти ҳаракатларида ўз ифодасини топади, эхтиросларга берилиш ҳаётда йўл кўйиш мумкин бўлган хатолар сонини кўпайтириш,

¹ Қаранг. Керкегор С. Страх и трепеть.-Москва. Наука, 1994 .-С.76. Болезнь к смерти.-Москва. Акад Прект, 2012. -157с.

² Шермухамедов С. Инсон фалсафаси.-Тошкент. Фан, 2015. Чориев С.Инсон фалсафаси.-Тошкент. ЎФМЖ, 2006.

Коган М.Смысл жизни.-СП(б), Санкт-Петербургский университет, 2002. Фролов И. Возможности человека. - Москва. Прогресс, 1993. –С.33

ортиқча эҳтиёткорлик эса, ҳатти ҳаракатларнинг чекланиши ва пировардда ҳеч нарсага эришмасликка олиб келади¹, деб таъкидлайди². Олимнинг фикрларини умумлаштириб, ақл ва ҳиссиёт уйғунлигининг таъминланиши инсоният ҳаётининг барқарорлигини таъминлайди, деган хулосага келиш мумкин.

Муаллиф фикрича, инсоннинг шахс сифатидаги моҳиятини ва унинг инсоният вакили сифатида мавжудлигини фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан у И. Фроловнинг, инсон – жамиятнинг субъекти, Ердаги маънавий маданиятнинг ривожлантириш омили бўлган биологик - ижтимоий мавжудот³ деган фикрини танқид қилади ва инсонни фақат ижтимоий жараён субъекти деб ҳисоблаш нотўғри, чунки у инсоннинг дунёдаги ҳақиқий ҳолатини бузиб кўрсатади деб таъкидлайди. Индивид фақат ўз ҳаётининг бевосита субъекти, миллат – ўз миллий тарихи субъекти, кишилиқ ҳамжамияти - бутунжаҳон тарихий жараёнининг субъекти бўлиши мумкин. Шундай қилиб, инсонни фақат биологик - ижтимоий бирлик сифатида тушуниш бир ёқлама қараш бўлиб, бу ёндашув унинг антропологик табиати ҳақидаги тасаввурларни, хусусан, унинг оқилона Космос махсули, космик мавжудот сифатидаги моҳиятни чеклайди. Зеро, инсон Коинотдан алоҳида мавжуд бўлмагани каби, Коинот ҳам инсондан алоҳида мавжуд бўлмайди.

Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли, кимёвий табиатида намоён бўлган ягоналик Ф.Капранинг «Биз субмикродунёга теран назар ташлар эканмиз, ҳозирги замон физиги шарқ мистиги каби дунёга бир-бири билан ўзаро таъсирга киришувчи ва тинимсиз ҳаракат қилувчи ажралмас элементлардан таркиб топган тизим сифатида қараши лозимлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бунда кузатувчининг ўзи ҳам мазкур тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади»⁴ Бу ҳолда, дунё қаршимизда инсон интеграл таркибий элементи ҳисобланувчи тизим сифатида гавдаланади. Табиат тўлқинлари ва квантларидан биз яъни кузатувчи, унинг онги сари ҳаракатлансак, физика психологиянинг тармоғига айланади⁵ деган фикрнинг замирида А.Эддингтон, С.Сирагнинг табиат пойдевори ақлдир, деган ғояси ётади. Бу ғояни Б.О.Тўраев ва Б.Р.Каримовнинг оқилона қадрият мўлжаллари ҳақидаги фикри тасдиқлайди. Зеро, уларнинг фикрича “Кишининг қадрият мўлжаллари оқилона йўналтирилгандагина, у жамият манфаатларига мос, жамиятнинг эҳтиёжларини қондира оладиган кучга эга бўлади, акс ҳолда жамият тараққиётига тўсиқ бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қаралганда, оқилона қадрият мўлжалларини шакллантириш - жамият тараққиёти учун муҳим роль ўйнайди”⁶. Дарҳақиқат, фақат инсон табиатидагина оқилоналик хос бўлиб, у қадриятли мўлжал олади. Диссертант фикрича, ички механик, иссиқлик ва электр энергияси, физик - кимёвий, ва бошқа кўп сонли табиий қонуниятлар ҳам инсоннинг антропологик моҳиятини ташкил этади.

¹ Шермухамедов С. Инсон фалсафаси. -Тошкент. Фан, 2015. –Б. 16.

² Шермухамедов С. Инсон фалсафаси. -Тошкент. Фан, 2015. –Б.16.

³ Фролов И. Возможности человека.-Москва. Прогресс, 1993.-С.33.

⁴ Капра Ф. Уроки мудрости.-Москва. АГРАФ, 2006. –С. 318.

⁵ Zukav G/ The dancing / Vu Li masters.N.Y. 2008. –P-56.

⁶ Тўраев Б. Каримов Б. Оқилона қадрият мўлжаллари.-Тошкент. Фан, 1994. - Б.104.

Муаллиф фалсафий антропологияни, инсоннинг ижтимоий - фалсафий концепциясидан фарқ қилади деб таъкидлайди ва Макс Шелер ижодига мурожаат этиб, унинг Европа маданиятида инсон ҳақидаги тасаввурларнинг уч типи ҳақидаги ғояларини таҳлил қилади. Ғояларнинг биринчи йўналиши диний анъана билан боғлиқ бўлса, иккинчи йўналиш – антик даврда вужудга келган фалсафий тасаввур, учинчиси эса инсон ҳақидаги ҳозирги замон табиатшунослигидир¹. Диссертант, мазкур умумий таснифни қабул қилган ҳолда, тасаввурларнинг Шарқ тафаккури, масалан, буддизм билан боғлиқ бўлган йўналишини аниқлайди ва М.Шелернинг бу талқинлар инсон ҳақидаги яхлит концепцияни яратиш имконини бермайди, деган фикрига қўшилади. Чунончи, инсон ҳақидаги ягона ғоя ханузгача мавжуд эмас. Инсон ҳақидаги яхлит илмий таълимотнинг йўқлиги инсон борлигининг беқарорлиги ва табиий ўзгарувчанлигини белгилайди. М.Шелернинг «Тарихда инсон ҳали ҳеч қачон ўзи учун ҳозиргидек улкан муаммога айланмаган эди»², деган фикри диссертациянинг асосий мазмунини ташкил этади. Шу маънода, М.Шелер инсон онги шаклланишининг асосини маънавият, юнонлар эса бундай тамойилни “логос”, “ақл” деб номлаган. Тадқиқотда, М.Шелернинг “Маънавиятнинг биринчи белгиси инсоннинг ҳаётдан ва у билан боғлиқ барча нарсалардан «экзистенциал мустақиллиги» ҳисобланади, маънавий мавжудот эркиндир, у хирсу - ҳавасларга ва ўзини қуршаган дунёга бўйсунмайди. Инсон маънавиятининг иккинчи белгиси унинг ўзликни англаш қобилиятидир”- деган фикри ижобий баҳоланган. Зеро, шахс ўзига хос яккалик. Унинг онгида – бирон - бир субъект бевосита идрок этишга қодир бўлмаган воқелик акс этади. Табиийки, инсон бошқа одамнинг ҳиссиётига эга бўлмайди, ўзга шахснинг тафаккури билан фикрлашга қодир эмас. У муайян ментал жараёнларда ўз туйғулари ва фикрлари билан иштирок этади, одамлар билан бирга маънавий муносабатларни амалга оширади ва бу билан бошқалардан фарқ қилади. Аммо, диссертант М.Шелернинг “Мутлақ эркинлик” ғоясини инкор этади. Ҳар қандай инсон жамиятда яшар экан, унинг қонунларига риоя қилиши, атрофдагилар билан ҳисоблашиши лозим, акс ҳолда эркинлик уни боши берк кўчага олиб кириши ва ҳайвондан фарқи қолмаслиги мумкин. Муаллиф, С.Шермухамедов, И.Фролов ва М.Шелернинг инсонга оид таърифларини таҳлил қилиб, хулоса сифатида, фалсафий антропология инсоннинг ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланган маънавий борлиғидир, бунда унинг мени ҳамда интеллектуал салоҳияти намоён бўлади ва айни пайтда, инсонда табиатнинг моҳияти ҳам акс этади деб таъкидлайди. Зеро, инсон Космоснинг энг тўлиқ тавсифидир. Инсонни микрокосм сифатида тушуниш борлиқнинг серқирра моҳиятини англаб етиш учун имконият яратади.

Диссертацияда антропологик элитология ва фалсафий антропологиянинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи тадқиқ этилган. Муаллиф фикрича элитология, яхлит илмий йўналиш сифатида инсоннинг танланганлиги ва ижтимоийлашуви натижасидир. Шу боис, уни соф сиёсий фан сифатида

¹ Шелер М. Положение человека в космосе. -М.осква. Наука,1994. – С.67.

² Шелер М. Положение человека в космосе. –Москва. Наука, 1994. - С. 78.

тушуниш бир ёқлама карашдир. Антропологик элитология эса инсон борлигининг ижтимоийлашуви натижасида элитарлик даражасига эришишни ўзида ифодалайди. Яъни, онтология, антропология ва элитология бир-бирини тақозо этувчи учликдир. Элитологиянинг элиталар назариясидан фарқи умумий элитарликни намоён қилиши билан белгиланади. Демак, элитологиянинг предмети аввало “ижтимоий борлиқ” кейин эса – элита ташкил қилади. Антропологик элитология элитарлик тушунчасининг мазмун ва моҳиятини кенг ёритиб берса, сиёсий элитология бу моҳиятни яширишга ҳаракат қилади. Шу туфайли ҳам муаллиф фикрича, сиёсий элитологиянинг предмети элита, антропологик элитологиянинг предмети эса – элитарлик ташкил этади.

Диссертант, антропологик элитология, инсоннинг ижтимоий танланганлик табиатини ўрганиши, инсоннинг ижтимоийлашуви асосида элитар дунёқараш ётиши, ижтимоий муҳит элитарлашувни белгиловчи мезон эканлигини аниқ далиллар билан асослайди. Шахс - антропологик элитологиянинг бош омилидир.

Муаллиф, П. Карабущенконинг сиёсий элитологиянинг предмети ижтимоий - сиёсий жараёнлар ташкил этади¹, деган фикрини инкор этади ва ҳар қандай элитарлик инсоннинг ички маънавий руҳий ҳолати ва тарбия олган оиланинг анъаналари билан боғлиқлигини исботлайди. Зеро, антропологик элитология инсоннинг ўз кадр-қиммати ҳақидаги тасаввурини, баркамоллик даражасини, айти пайтда инсоннинг тушқунлик ҳолатини ҳам ўрганади. Тушқунликнинг сабабларини эса, инсон меҳнатининг кадрсизланишидир,- деб ҳисоблайди.

Диссертацияда фалсафий антропологиянинг муҳим муммоларидан бири “Тақдир тасодифми ёки зарурият масаласи” таҳлил этилган. Кўҳна оламда инсон умри давомида “тақдир”ирига битилган бахт ва иқболни, омад ва шуҳратни, алам ва изтиробни, жаҳолату - нафратни ва албатта муҳаббатни ҳис қилади. Демак, антропологик элитология ва фалсафий антропологиянинг ўзига хос хусусияти инсоннинг борлиққа муносабати, зарурий майллар ва тасодифий воқеаларга ўз вақтида муносабат билдиришда намоён бўлади. Бу дунёвий фикр энергияси, шахснинг онгли ва онгсиз фаолияти уйғунлиги билан бошқарилади.

Муаллиф, фалсафий антропологиянинг ижтимоий, маданий, тарихий, структуравий ва диний антропология каби йўналишларини таҳлил этиб, антропологик элитологиянинг предмети руҳий, маънавий ва интеллектуал барқарорликка асосланган антропологик мослашиш ташкил этади деган хулосага келади. Дарҳақиқат, инсоннинг ижтимоийлашуви унинг элитарлашуви асоси бўлиши мумкин. Демак, антропологик элитология интеллектуал-маънавий тушунчадир.

Диссертациянинг учинчи боби **“Фалсафий антропология ва элитология шаклланишининг методологик асоси”** деб номланиб, унда элитар назария шаклланишининг фалсафий - методологик жиҳатлари, антропологик

¹ Қаранг. Карабущенко П. Резаков Р. Теоретические основы элитологии образования. –Астрахань. Университет, 2008. - С. 95.

элитологиянинг илмий асослари, элитар таълимни ташкил этишнинг ижтимоий жараёнларга таъсири очиб берилган.

Муаллиф, “Элитология” етакчи(лидер)ларни етказиб берадиган ижтимоий қатламни ўрганувчи, жамиятда ижтимоий – сиёсий бошқарув жараёнини ёритувчи, мазкур бошқарувни бевосита амалга оширадиган ижтимоий қатламни тавсифловчи мустақил социологик фан¹ деган фикрни рад этади. Чунки, олимлар ижтимоий элитани жамиятнинг олий босқичида турадиган, эҳтиёжлар ва хулқ-атвор андозаларини яратишга қодир бўлган кишилар гуруҳи сифатида тавсифлайдилар. Бу ерда элитология – “билим элитологияси” сифатида намоён бўлади, шу туфайли муайян элитар билим эгаси ҳам элита субъектидир. Элитологиянинг бош мақсади, элитанинг интеллектуал билими, юксак маданиятини тавсифлаш, шунингдек элитар онг билан узвий боғлиқ - шахс муаммосини ўрганишдан иборат. Ижтимоий элита сифатида элитологиянинг ижтимоий - сиёсий муаммолари элитар ва оммавий маданиятнинг ўзаро алоқасини ифодалайди. Шунингдек, демократик мафкуралар танқидига жавоб бериш элиталарнинг вазифаси ҳисобланади. Лидерлик ва даҳолик, шунингдек авлиёлик муаммосини “юксак маънавиятли” ёки “элиталар элитаси”, яъни элитанинг ўзига ўрнак бўлишга қодир элита билан боғлаш мумкин.

Диссертацияда элитология ривожланишининг учта босқичлари тадқиқ этилган. Хусусан, фақат файласуфларгина шуғулланган биринчи босқич, антик даврдан бошланиб XIX асрнинг бошларигача давом этади; иккинчи босқич эзотерик билимларда ўз ифодасини топади, элита фалсафаси деб номланган учинчи босқич эса XX-XXI асрни ўзида ифодалайди.

Муаллиф, элитологияни “элитаризм” ва “эголитаризм” шаклларида намоён бўлишини асослайди, элитологиянинг таркибий қисмлари ва турларини таснифлайди, амалий элитологиянинг назарий элитологиядан фарқини очиб беради. Дарҳақиқат, элитаризм – шахс хулқ - атворининг ижобий жиҳатлари, эголитаризм унга нисбатан танқидий фикрлар мажмуи бўлсада, ушбу таълимотлар ижтимоий жараёнлар иштирокчилари - одамларнинг дунёқарашини ифодалайди. Шунингдек, агар амалий элитология ҳозирги давр нуқтаи - назаридан ижтимоий воқеликни ўрганса, назарий элитология ўтмиш маданиятида элитага муносабатни таҳлил қилади. Амалий элитологиядаги “сохта элита” элитологиянинг ўзига хос заиф бўғинидир. “Сохта элита” бу, элита гуруҳига тасодифан тушиб қолган субъектлар бўлиб, улар ўзининг асл моҳиятини тарк эта олмай, на билими, на хулқ - атвори билан элита даражасига кўтарила олмаганлар ва пировард натижада ўзининг асл моҳиятига қайтадиганлардир.

Диссертацияда Вильфредо Парето ва Гаэтано Моска ижоди қиёсий таҳлил қилинган. Хусусан, В.Парето элитанинг бир типи ўрнини бошқа тип эгаллаши жараёнида биринчи ўринга маънавий - психологик омилни қўйса, Г.Моска омманинг элитага қўшилиши жараёнида сиёсий омилни мутлақлаштиради. Шу туфайли ҳам Парето ғоялари негизида элиталарнинг кадриятларга оид талқини, Моска ғоялари негизида эса – сиёсий элита мактаби концепциялари

¹ Қаранг: Ашин Г.К. Современные теории элит. – Москва. Прогресс, 2015. – С. 9.

шаклланади¹. Муаллиф, В. Паретонинг жамият ривожланишида аҳоли икки қатлам: мутлақ олий ва қуйи табақаларга бўлинади деган ғоясини танқид этади ва улар бир бири билан тақазоланганлигини, жамиятнинг “элитар” қисми қуйи табақаларнинг вакиллари билан муттасил равишда тўлиб боришини таъкидлайди. Чунки, ҳозирги кунда одамларнинг яшаши ва ижод қилиши учун тенг имкониятлар ва тенг ҳуқуқлар белгиланган, улардан фойдаланиш даражаси ҳар бир шахснинг интеллектуал салоҳияти ва қизиқишлари доираси билан боғлиқ. Инсон шу имкониятлардан фойдаланиши ва ўзини элита даражасига кўтариши мумкин, баъзи ҳолларда эса элитанинг ўзи ахлоқан тубанлашиши мумкин.

Антропологик элитологиянинг тарихий асослари: антропогенез ва антропология мутаносиблиги, элитология инсоннинг маънавий баркамоллиги ҳақидаги антропологик таълимот сифатида гносеология ва герменевтика соҳасида ривожланганлиги асосланган. Инсоннинг билиш ва тушуниш имконияти унинг элитарлашуви манбаидир. Умумий антропологиянинг бўлими сифатида антропогенез инсон жисмоний ва маънавий типининг тарихий - тадрижий шаклланиш жараёнини ўрганиш билан шуғулланади, ўз тури доирасида элитарлашишга ўтади.

Элитар индивидуализм нуқтаи назаридан инсон Худонинг тимсолидир. Бу тимсол инсоннинг маънавий табиатида, унинг ақли ва эркида ўз ифодасини топади, Худога ўхшашлик эса идеал бўлиб, инсон унга ўз маънавий кучлари – ақли ва эркин иродасини лозим даражада ривожлантирган ва баркамолликка эришган тақдирдагина яқинлашиши мумкин.

Антропологик элитология назариясининг айрим жиҳатлари Пифагорнинг баркамоллик назарияси ва Ибн Синонинг “Хай ибн Якзон ўғли” рисоласининг мазмунида ўз ифодасини топади. Пифагорнинг “баркамоллик назарияси” бир - бири билан тақазоланган табиий - инсоний ва илоҳий дунёлар мавжудлиги ҳақидаги назария бўлса², Ибн Сино ижодида баркамолликнинг асоси билим эканлиги унга эришиш учун инсон барча билиш босқичларидан ўтиши лозимлиги асосланган³. Демак, Пифагор ва Ибн Синонинг фикрига кўра, инсон жамиятда ўз ўрнини топиши учун муайян билимга эга бўлиши лозим. Бундай билимни ўзлаштириш учун тарбия ва махсус таълим жараёни зарур. Дарҳақиқат, бу фикрлар бугунги кунда ҳам ниҳоятда долзарб. Тарбия ва таълимнинг уйғунлиги инсон камолотининг энг муҳим омили ва бу масала Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги эътиборга молик.

Платон ва Пифагорнинг антропологик элитологияга оид қарашларидаги фарқлар асосланган бўлиб, Платоннинг антропологик элитологияси –инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати, жамиятдаги ижтимоий мақоми бўлса, Пифагор таълимотида тарбия ва таълимнинг уйғунлигидир. Зеро, элитар таълим ва таълим элитологиясининг замирида танланганлик ғояси ётади. Танланганлик фалсафаси объектив воқеликни белгиловчи “сифат”да намоён бўлади.

¹ Қаранг: Моска Г. Правящий класс // Социологические исследования. Знание, 2014. № 10. – С.186–196.

² Қаранг: Трубецкой С.Н. Теория Пифагора // Курс истории древней философии. – Москва. Прогресс, 1997. – С. 119 – 140.; Целлер Э. Очерки истории греческой философии. – Москва. СПб, 1996. – С. 43 – 53.

³ Ибн Сино. Хай Ибн Якзон ўғли. WWW. dissercat.com.content.ibn sina.

Танланганлик фалсафаси ижтимоий ва шахсий баркамоллик ғоялари билан чамбарчас боғлиқ¹. Муаллиф, ҳар қандай онгнинг элитарлашуви таълим жараёнида билим сифатининг фаоллашуvidан бошланади деб таъкидлайди, ҳамда элитани саралашда Платоннинг элита сафига «бегона унсурлар» тасодифан тушиб қолишини истисно этувчи тарбия жараёни ҳақидаги ғоясига қўшилади. Зеро, Ўзбекистонда ёшлар тарбиясида уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги, халқаро даражада эришаётган ютуқларида намоён бўлмоқда. Шу туфайли ҳам элитологияга элитар таълим сифатида қараш, яъни унга элитар онг таҳлили нуқтаи назаридан ёндашиш, шундан кейингина ижтимоий-сиёсий жиҳатларини инобатга олиш ўринли бўлади.

Элитар таълим ва таълим элитологиясининг фалсафий - методологик жиҳатларини таҳлил қилар экан, муаллиф, олий таълим элитар таълимнинг юқори босқичи деб таъкидлайди ва инсоният тарихида элитар таълимга эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигини исботлайди. Хусусан, Ўзбекистонда 26 йил мобайнида яратилган таълим тизимининг мазмуни яхлит ўрганилиб, ундаги камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган фаолият, элитар таълимни янги босқичга кўтаришга йўналтирилган саъй ҳаракатдир.

1997 йилдан буён амал қилинган 9+3 тизимининг ютуқ ва камчиликлари сарҳисоб қилиниб, 2017 йилдан 11 йиллик умумий таълим тизимининг қайта жорий қилиниши, сиртқи таълим шакллариининг қайта тикланиши, элитар таълимни такомиллиштириш ва жамиятимизда элитар онгни янги босқичга кўтаришга йўналтирилган имкониятдир. Мактабгача таълимни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган фаолият унинг бевосита элитар таълимнинг бошланғич асоси эканлиги ғоясига таянади. Демак, элитар таълим юксак маънавиятли баркамол инсонни тарбиялаш омили. Зеро, инсонда маънавий ва жисмоний уйғунликни таъминлаш барча жаҳон динлари, буюк фалсафий ва илмий назарияларнинг етакчи ғоясига айланган. Ўз фазилатлари ва уларни рўёбга чиқариш имкониятларига кўра оддий одамдан устун бўлган одам баркамол инсон ҳисобланган.

“Онг элитологиясининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар” деб номланган тўртинчи бобда элитар онг ва ижтимоий жараёнлар диалектикаси, шахс шаклланишида элитар тарбиянинг таъсири масалаларига эътибор қаратилган. Элита ва омма ўртасидаги ижтимоий фарқ элитар онгнинг алоҳида функцияси сифатида таҳлил қилинган, фалсафа тарихида элитар онг муаммоси билан шуғулланган йўналишлар таснифланган, “маънавий баркамоллик” назарияси онг элитологиясининг ифодаси эканлиги асосланган. Зеро, “инсоннинг маънавий дунёси” унинг элитар онги билан белгиланади. “Инсон борлиғи”нинг моҳияти эса, унинг дунёни билиш қобилиятидир. Демак, билим ва билиш мутаносиблиги ва улардан фойдаланиш элитар онгнинг бош омилидир.

¹ Қаранг: Франк Л.С. Духовные основы общества. – Москва, Наука 2012. – С. 438 – 439; Лосский Н.О. Бог и мировое зло. – Москва, Прогресс, 2014. – С. 326.

Диссертант элитар онгнинг сиёсий шакли реал сиёсий онг ва идеал сиёсий онг сифатида, сиёсатчи фаолиятида намоён бўлади, деган фикрни танқид қилади. Бу икки ёндашув муайян маънода бир ёқламадир, чунки бири реал воқеликни мутлақлаштиради, иккинчиси уни идеал даражага кўтаради.

Элитар онгнинг диний шакли субъекти Авлиёдир. “Авлиёлик” антик даврда энг аввало худоларга хизмат қилиш сифатида тушунилган. Авлиёларда юксак ақл намоён бўлган. Шу туфайли ҳам ақл инсон ҳаётини бошқарувчи фаол омилдир. Элита шахсининг маънавий дунёси шу даражада ранг-барангки, у ўз онгининг шаклига қараб, соҳибқирон Амир Темур ёки авлиё Баҳоуддин Нақшбанд сиймосида намоён бўлиши мумкин. Элитар онг эгаларининг идеал дунёси ҳар хил бўлсада, уларни бирлаштирувчи омил лидерликдир, масалан уларнинг бири – сиёсий онг, иккинчиси – диний тафаккур лидеридир. Шу туфайли ҳам “элитар онг” атамаси мазмунан жуда бой ва диссертацияда у: буюк, баркамол, идеал, авлиё, лидер, даҳо, донишманд, файласуф, зиёли каби тушунчалар билан тавсифланади. Бу тушунчаларнинг ҳар бири элитарликни ижтимоий - сиёсий, маданий ёки диний муносабатлар нуқтаи назаридан ёритади. Муаллиф фикрича, элитанинг ижтимоий мақоми унинг миқдори эмас, балки сифати, яъни “муайян билими” билан белгиланади. Демак, “онг элитологияси” - бу инсоннинг маънавий баркамоллигини намоён этади. Элитар онг икки шаклда даҳонинг онги ва инсон маънавий борлигининг маҳсули сифатида тавсифланади.

Диссертацияда шахс шаклланишига элитар маданиятнинг таъсири, элита фаолиятининг умуминсоний кадриятлардаги ифодаси ўрганилган, шахс ғояларининг шаклланишида индивидуал салоҳиятнинг аҳамиятига юқори баҳо берилган. “Индивидуализм” антропологик элитологиянинг ўзаги, унинг мазмунини тўлақонли ёритувчи марказий муаммо ҳисобланади. Тадқиқотчи фикрича, индивидуаллик элита ҳақидаги таълимотнинг марказида туради, бироқ шахс табиатининг моҳиятини аниқлашга нисбатан ёндашувда индивидуализм, элитологик нуқтаи назарга изчил амал қилмайди. Айни шу жараён, яъни – субъектнинг бошқа индивидга таъсири фанда индивидуаллаштириш деган ном олган.

Индивидуаллаштиришнинг бир неча шакллари мавжуд: эмоционал шакл - туйғулар, эмоцияларга таъсир кўрсатади, мисли кўрилмаган руҳий тушқунликни таъминлайди, индивидуаллаштиришнинг бу тури қисқа муддатлидир; иродавий шакл— хулқ-атворнинг мотивацион соҳасига таъсир кўрсатади, асосан сиёсатчиларга хос ва одатда муайян давр доираси билан чегараланади; интеллектуал-ижодий шакл – вақт доираси билан чекланмайдиган, бунёдкорлик хусусиятига эга бўлган бу шакл даҳоликни ифодалайди. Шундай қилиб, индивидуаллаштириш уч шаклда намоён бўлади: қисқа муддатли; узоқ муддатли; муддатсиз индивидуаллаштириш - айнан у муҳимлик даражаси, фаоллик ва обрў-эътиборнинг сақланиши билан ўлчанади. Ўз йўналишига кўра индивидуаллаштириш хусусий (оилавий) бўлиши ва айни пайтда ижтимоий, яъни кўпчилик учун муҳим хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Демак, индивидуаллик – инсоннинг барча қадриятлари ва мўлжалларини белгиловчи энг муҳим омил. Инсон фақат ўз фазилатлари ва билими орқали ноёблик ва бетакрорликка эришади. Шахс ўзининг тан олиними учун индивидуал фаолият олиб боради ва пировард натижада меҳнати эвазига эътирофга сазовор бўлади.

Диссертацияда элитар педагогика маданият элитологиясининг бевосита ғоявий давоми сифатида шахсий фазилатларнинг ривожланиш даражасини намоён этиши асосланган. Унга мувофиқ “шахсий фазилатлар”нинг “оддий одам”; “қобилиятли одам”; “истеъдодли одам”; “даҳо одам” каби даражалари фаркланади. Индивиднинг навбатдаги даражага ҳар қандай тарзда кўтарилиши, унинг шахс сифатида камол топаётганининг ифодасидир.

Тадқиқотда элитар педагогиканинг назарий асосларини аниқлаш учун, унинг энг муҳим муаммолари: элитар онгни шакллантиришга қаратилган “жорий” элитар таълим жараёнини ўрганиш; муайян элитар таълим педагогикасининг ривожланиш қонунларини аниқлаш; элитар таълим муассасалари ва уларда фойдаланилаётган технологиялар ҳақида статистик маълумотлар йиғиш, уларга ишлов бериш, яъни элитар таълим жараёнининг ҳолати тўғрисида эмпирик материал тўплаш дастурларини ишлаб чиқиш ғояси илгари сурилган. Дарҳақиқат, узлуксиз таълим тизими, элитар таълимни шакллантиришнинг асосий омили ҳисобланиб, бу таълим тизимлари доирасида элитар онгни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини мумкин қадар тўлиқ тавсифлаш, элитани ўрганишнинг амалий методларини ишлаб чиқиш ва шунга амал қилган ҳолда таълим тизимини янги босқичга кўтариш имконини намоён этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда хорижий тажрибани ўрганиш, унинг юртимизга хос ва мос жиҳатларини тадбиқ қилиш амалиётига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги диққатга сазовор. Элитар педагогика элитар таълимнинг бошланғич асоси. Чунончи, замонавий таълим тизимининг эволюцияси ва унинг қиёфаси давлатнинг таълимни ташкил қилишдаги иштироки билан белгиланади. Таълим ва тарбия туфайли инсоннинг азалий биологик моҳияти ижтимоий мақом касб этади. Шунингдек, таълим - фикрлаш эркинлиги ва зарур ҳаракатларни бир-бири билан боғлайди. Таълим муассасаси олдида индивидларнинг қобилиятини муносиб тақдирлаш, уларда эгалланган билимлардан амалиётда фойдаланиш малакаларини шакллантириш вазифаси туради. Бугунги кунда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, дунёда аналогига бўлмаган “Мактабгача таълим” вазирлигини ташкил этиш, республиканинг шаҳар ва туманларида 20 тадан хусусий мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш бўйича, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг эълон қилиниши, Ўзбекистонда элитар таълим ва элитар педагогикани ривожлантиришга йўналтирилган саъй ҳаракатлардир.

Диссертацияда инсоннинг элитар таълим ва тарбия олишида ижтимоий муҳит таъсирининг ролини инкор қилмаган ҳолда “Инсон капитали” концепциясининг аҳамияти очиқ берилган. Унга кўра, ҳар қандай таълим ва тарбия фақат шахснинг индивидуал интеллектини, шу тарбия ва таълимни қабул қилишга ички тайёрлик ҳолати, ҳаётдаги мақсадларининг мазмуни билан

боғлиқ. Ушбу концепцияга мувофиқ, таълим ва тарбия маданий - маънавий тажрибани ўзлаштиришнинг бошқа ҳар қандай усуллари каби, “инсон капитали”ни жамғариш жараёнидир. Мазкур атама индивид таълим ва тарбиясига сарфланган харажатлар натижасида, унинг ишлаб чиқариш қобилияти яхшиланишини англатади. Шахснинг ижтимоий мақомини яхшилаш учун, унинг соғлиғини сақлашга доир давлат сиёсати «инсон капитали»нинг тақомилини назарда тутди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида тиббий-патронаж хизматини такомиллаштириш, одамларнинг нафақат жисмоний соғлиғи, балки миёни озиклантириш, рухий-маънавий соғлиғига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, инсоннинг маънавий камолоти энг аввало, унинг саломатлиги билан боғлиқ. Бугунги кунда соғлом она ва соғлом бола эмас, балки соғлом она ва ақлли - соғлом бола концепцияси устивор аҳамиятга эга.

Муаллиф, “интеллектуал элита”¹ жамият тараққиётининг муҳим омили эканлигини асослайди. Ҳозирги замон таълим тизимида, илмий ҳамжамиятда илмий - интеллектуал элита қатлами ажратилади. Интеллектуал элита илмий муассасалар ва айрим олимлар мажмуининг фаоллик даражаси, кўлами, суръатлари ва самарадорлигини ифодалайди. Интеллектуал элита - маданият ва цивилизация тараққиётини белгилайдиган умуминсоний маънавий қадриятларнинг муайян “қўриқхонаси”дир. Сиёсий элита ижтимоий - сиёсий соҳада эришилган ютуқлар ва камчиликлар учун жавобгар бўлса, интеллектуал элита инсоният келажаги учун жавоб беради. Олимлар ҳамжамияти ўз элитасини яратади ва элиталарнинг вужудга келиш жараёни индивидуал, умумий ва интерсубъектив (халқаро даражада олимларнинг мулоқоти)дир. Элита – илмий ва илмий - ташкилий фаолиятда юксак натижаларга эришган атоқли тадқиқотчиларнинг тор контингенти. Элитарлик мезони ва асосий белгиси – олимнинг илмий билим ривожига қўшган ҳиссаси билан аниқланади. Ўзбекистонда ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотлар энг аввало ёшлар интеллектуал элитасини тарбиялаш ва уларни дунё таълим ва илм маконида ҳамкорликка тайёрлаш йўлидаги саъй ҳаракатлардир.

Тадқиқотда ижтимоий, интеллектуал ва илмий элиталарнинг ўзаро алоқаси ва фарқи ўрганилган. Маълумки, ижтимоий элита фаолият соҳаларига кўра алоҳида элиталарга ажралади, катта элиталар гуруҳи “кичик элиталар”лардан ҳосил бўлади. Илмий элита интеллектуал элита таркибидаги ана шундай кичик элиталардан бири ҳисобланади. Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши жараёнида интеллектуал элита тушунчасининг мазмуни ҳам кенгайиб боради. Илмий элита субъекти аксарият ҳолларда зиёли тушунчаси билан тенглаштирилади.

Хуллас, ижтимоий - маданий ҳодиса сифатида элитар таълим тизимининг шаклланишига кўмаклашувчи турли омиллар мажмуи элитар таълим манбалари ҳисобланади. Бу ерда элитар таълим тизими замирида ётувчи психологик,

¹ Қаранг. Шермухамедова Н. Олимнинг ижтимоий масъулияти // Илмий тадқиқот методологияси.-Тошкент. Фан ва технология., 2014. - Б. 454. Шермухамедова Н. Илмий ва интеллектуал элита // Фан фалсафаси.- Тошкент.Ношир, 2014. -Б. 36 - 45.

гносеологик, тарихий ва ижтимоий омиллар фарқланади. Психологик омил кишилар ўртасидаги элитар таълимга бўлган эҳтиёжни юзага келтирувчи манбалардан бири, гносеологик омил - шахснинг индивидуал билим олиш зарурлигини англаб етиши, тарихий омил - элитар таълимни яратиш йўлидаги саъй ҳаракатлар, ижтимоий омил эса, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёжни назарда тутди. Бундай мутахассисларга бўлган эҳтиёж жамиятнинг стратегик ривожлантириш зарурияти билан белгиланади.

ХУЛОСА

“Антропология ва элитология ўзаро муносабатларининг фалсафий-методологик хусусиятлари” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Элитологияни ягона махсус фан сифатида шакллантириш учун, унинг онтологик ва антропологик жиҳатлари уйғунлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Бу эса элитологиянинг методологик баъзасини мустаҳкамлашга кўмаклашади, унинг тушунчаларини таснифлаш имконини беради ва элитологияни ўрганишга нисбатан шаклланган номуайянликни бартараф этади.

2. Элитологиянинг атамалар тизимини аниқлашга доир фалсафий -тарихий назарияларнинг таҳлилига эътибор қаратиш лозим. Акс ҳолда, элитологиянинг фан сифатидаги мавқеига путур етади ва у бошқа ижтимоий фанларга қарам бўлиб қолаверади. Антропология ва элитология тарихининг яқинлиги, турли фалсафий ва илмий йўналишлар ўртасидаги ноанъанавий алоқаларни аниқлаш имконини беради.

3. Антропологик элитологиянинг ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш, баъзи умумий қонуниятларни ажратиш зарурлигини тақазо этади. Ушбу қонуниятлар назарий жиҳатдан муайян англаб етилган тақдирда элитологиянинг ўзига хос “мезонлари” шаклланади. Улар қуйидагича таърифланиши мумкин:

ҳар қандай жамиятда қуйи ва юқори табақалар, элита ва омма ўзаро муносабатда бўлади. Ҳар қандай ижтимоий тузум элитар жамият деб номланиши мумкин, чунки айнан элиталарнинг фаолияти жамиятнинг ижтимоий мақомини белгилайди;

оммавийлик ва элитарлик ўртасидаги чегара ўзгарувчан ва беқарор бўлиб, бунда омма вакиллариининг ўз - ўзини тарбиялаши ва ижтимоий муҳит таъсирида “элита” даражасига кўтарилиши ва айна пайтда ҳар қандай элита қуйи даражага тушиши мумкин;

элитага ижобий таъсир этувчи элитарлашув омилининг сусайиши, «элита» мақомининг йўқолишига олиб келади. Элитарлашув омили – бу элитанинг бошқа ижтимоий қатламлардан ажратиш имконини берувчи энг муҳим белгисидир;

омма учун ижтимоий ташқи муҳит, элита учун эса – шахсий фазилатлар биринчи даражали аҳамият касб этади, яъни омма учун борлиқ онгни белгилайди, элита учун эса – онг борлиқни белгилайди;

элитарликни аниқлаш имконини берувчи мезонлар тўплами элита типига боғлиқ. Турли типдаги элиталарни айна бир меъзон билан ўлчаш мумкин эмас. Бир турдаги элита учун элитар хусусиятга эга бўлган омил, бошқа турдаги элита учун самара бермаслиги мумкин.

Юқоридаги хулосалар элитологиянинг асосий мезонлари ҳисобланиб, улар умумий хусусиятга эга бўлади, айна ҳолат, уларнинг қўлланиш доирасини кенгайтиради.

4. Антропологик элитология сиёсий элитологияга қараганда кенгроқ масалаларни акс эттиради. Жамиятдаги ижтимоий - иқтисодий, маънавий жараёнларда иштирок этиб, ўзлигини сақлаб қолган элита вакиллари ҳақиқий элита ҳисобланади. Элитага аниқ тавсифни, антропологик элитология бериши мумкин, чунки унинг тадқиқот предметини ташқи омиллар эмас, ички мазмун ташкил этади.

5. Анъанавий элитология элита субъектининг моҳиятига етарли даражада эътибор қаратмайди. Элитага субъект сифатида эмас, балки объект сифатида муносабат билдиради. Замонавий концепцияларда элита, бир вақтнинг ўзида ҳам объект ва ҳам субъект сифатида намоён бўлади.

6. Антропологик элитологияда «элита» тушунчаси шартли бўлиб, элитарликнинг ривожланишида ижобий ва салбий томонга ўзгарувчи субъектлардан ташкил топади. Элита психологияси ҳозирги замон ижтимоий фанларида ҳали чуқур ўрганилмаган. Шу боис, элитологиянинг предметини ўрганиш, унинг антропологик моҳиятини ёритишдан иборат бўлади.

7. Элитологиянинг фан сифатидаги асосий мақсади – элитарликнинг барча кўринишларини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат. Унинг келажагини таъминлаш учун изчил назарий - методологик асосни яратиш талаб этилади.

8. Олим – ҳақиқий элитолог бўлиб у сиёсий, мафкуравий жараёнлардан йироқ. Фан ёки фалсафанинг элитар вакиллари мафкура таъсирига тушган вазиятларда, аввало, элитологиянинг ўзи ҳалок бўлган. Элитологиянинг фуқаролик жамияти шароитида фан сифатида шаклланиши, мафкуравий элитологиянинг илмий элитологияга айланиш жараёнидир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАН**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

КУРБАНОВА ЛОЛАХОН АБДУЛХАДИМОВНА

**ФИЛОСОФСКО - МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
СООТНОШЕНИЯ АНТРОПОЛОГИИ И ЭЛИТОЛОГИИ**

09.00.01 – Онтология, теория познания и логика

**АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации
по философским наукам**

Ташкент – 2018

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.DSc/Fa124.

Докторская диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.fs-ik.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.)

Научный консультант:

Шермухамедова Нигинахон Арслоновна
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Туленова Карима Жандаровна
доктор философских наук, профессор

Рузиева Рухсора Ходиевна
доктор философских наук

Саломова Хакима Юсуповна
доктор философских наук

Ведущая организация:

Ташкентская медицинская академия

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 1000174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Здание факультета социальных наук Национального университета Узбекистана, 1-й этаж, кабинет 117. Тел.: (+99871)227-12-24; факс: (+99871)246-02-24, (+99871)246-02-24; e-mail: pauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (+99871) 236-46-55, факс: (+99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года)

Н.Х.Хакимов

Председатель научного Совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.н. профессор

Н.Абдуллаева,

Ученый секретарь научного Совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.н.

М.Т.Жакбаров

Председатель научного семинара при научном
Совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (DSc)

Актуальность и потребность темы. Развитие человечества в третьем тысячелетии, началось с обновления социально-политической, экономической и духовно - идеологической сферы общества и с изменения мировоззрения людей. В XXI веке в так называемом информационном обществе в центре всех научных исследований проводимых учеными, важное значение имеет интеллектуальный потенциал, элитарная культура человека и воспитание молодежной элиты.

Мировое сообщество как важный ресурс особое внимание уделял человеческому капиталу. Ибо, еще в «Всемирной декларации о правах человека» принятой 10 декабря 1948 года Генеральной Ассамблеей ООН отмечается важность повышения умственной активности и духовной культуры населения. С этой точки зрения, в мировом научном пространстве являются актуальными, вопросы организации элитарного образования, достижение интеграции знания через формирование единого образовательного пространства, сохранение мира, в целях обеспечения его стабильности, формирование высококультурной акме личности, повышение её интеллектуального потенциала, направленного на созидательную работу, выбор высоко квалифицированных специалистов, поощрение их труда по возможностям.

В результате демократических реформ в нашей стране созданы условия для проявления общего интеллектуального потенциала людей. В развитие гражданского общества для широкого использования инновационных достижений мировой науки, для создания достойного будущего страны и поддержки творческого потенциала молодежи 29 ноября 2017 года создано министерство инновационного развития. Научно обоснована взаимосвязь духовных ценностей с мировыми знаниями.

Как отмечал Президент Республики Узбекистан: “Наше самое большое богатство это интеллектуальный и духовный потенциал народа¹.”

Поэтому данное исследование вносит свой определенный вклад в защиту прав и свобод граждан, претворение в жизнь программ, направленных на развитие социальной сферы, развитие образования, культуры, науки, литературы, искусства и спорта, совершенствование государственной политике о молодежи, сформулированных в Стратегии Действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Узбекистана в 2017-2021годах.

Данное диссертационное исследование может служить для реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан от 3 февраля 2017 года № УП-4944-6 «О дальнейшем совершенствовании института «Махалля», 16 февраля 2017 года № УП-4958-8 «О дальнейшем совершенствовании системы образования после высших учебных заведений»,

¹Мирзиёев Ш.М. Свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан мы построим вместе с нашим мужественным и благородным народом.//Выступление на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса -Ташкент..Ўзбекистон, 2017.-С.7.

27 февраля 2017 года № УП-4972-9 «О внесении изменений в указ об учреждении государственных наград в сфере науки и техники, литературы, искусства и архитектуры», 5 июля 2017 года № УП-5106-27 «О повышении эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности союза Молодежи Узбекистана», № УП-5121-30 «О дальнейшем совершенствовании деятельности фонда повышения квалификации перспективных молодых педагогов и научных кадров «Истеъдод» и в других нормативно-правовых актах, относящихся к теме исследования. Постановлении Президента Республики Узбекистан от 29 декабря 2016 года № ПП-2707-1 «О мерах дальнейшего совершенствования системы дошкольного образования в 2017-2021 годах», 17 февраля 2017 года № ПП-2789-8 «О дальнейшем совершенствовании деятельности организации, управлении, финансировании научно-исследовательских работ Академии наук».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Национальные, художественные, исторические и религиозные ценности, национальная идея, эстетико-художественное воспитание, искусство, материальное и нематериальное культурное наследие, исследование истории национальной государственности в процессе реформирования и модернизации общества».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Исследованиями элитарной науки и проблемами антропологии занимаются в таких зарубежных научно-исследовательских институтах и высших учебных заведениях как Принстонский университет США, Северо-Западный Техасский университет, Йенский университет в Германии, научно – исследовательский институт Бергофа в Австрии, Бирменгемский университет компьютерных технологий Великобритании, Лондонский городской университет, Российский научный центр конъюнктуры, центр политических технологий им.И.Бунина.

В результате исследований в сфере антропологической элитологии получены следующие результаты: профессор Принстонского университета США Мартин Гилленс и профессор Северо-Западного Техасского университета Бенджамин Пейдж обосновали соотношение американского элитаризма и антропологического элитизма с интересами народа. Профессор университета Иена Генрих Бест и профессор Техасского университета социологии Джон Хисти разработали новую перспективную концепцию теории демократического элитизма (Democratic elitizm: New Theoretical and Comparative Perspectives.2000). В работах медицинского научно- исследовательского института Бергхофера Австрии профессора Фрэнка Геннона исследованы вопросы соотношения элитизма и элитаризма. Профессор Бирменгемского института компьютерных технологий Аарон Сломан исследовал основные формы элитологии и обосновал, неоправданность теории элитаризма в период работы в государственном правлении Тони Блэра. Сотрудник Лондонского

городского университета Джо Литнер анализировал вопросы развития элитизма и меритократического элитизма. В Российской Федерации анализ отношения элиты на образ жизни людей проводятся в агентстве Холдинг «Minchenko consulting» Минченко. Место политической элиты в обществе разработаны в научных работах профессора В.И. Коваленко Московского государственного университета.

В научно-исследовательских институтах развитых стран проводятся научные исследования по вывлению особенностей интеллектуальной элиты, теории демократического элитизма, о месте политической элиты в обществе, соотношения интересов элиты и граждан, медиа-элитизм, мажоритаризм, антропологический элитизм, теория новой элиты, выявление негативных аспектов элитизма.

Степень изученности проблемы. Как отмечал Президент Республики Узбекистан, «Мы должны создать все необходимые условия для всесторонней поддержки научных и творческих изысканий трудящихся людей, и считать это нашей первостепенной задачей»¹, ибо, «Интересы человека превыше всего»². Разработанные им концептуальные идеи в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан 2017-2021 в направлении развития социальной сферы³ служат научно-методологической основой для данного исследования.

Корни этих идей отражены в философии Запада и Востока. В частности в священной книге “Авесто” идеи зороастризма обоснованы: проявление добра и зла в природе человека обусловлено общественными отношениями⁴. Во взглядах восточных мыслителей Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Жалолиддин Румий, Абу Хомид Газзолий, Алишер Навоий и других утверждается, что человеком управляет теоретический разум. В частности, ал-Форобий считает, что “Разум формирует личность, отличает его от других живых существ и развивает его человеческие качества”⁵. Здесь возвышается человеческий разум, однако, его эмоциональное составляющее приобретает второстепенное значение.

В идеи Ж. Румий “человек сначала пытается открыть глаза и потом с открытыми глазами пытается понять собственную сущность”⁶, можно наблюдать постоянный поиск и творческую свободу.

¹ Мирзиёев Ш.М. Свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан мы построим вместе с нашим мужественным и благородным народом...//Выступление на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса -Ташкент..Ўзбекистон, 2017.-Б.7.

² Мирзиёев Ш.М.Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.7.

³ Мирзиёев Ш.М. Мы вместе построим . Свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. . –Тошкент. Ўзбекистон, 2016.– 56 б.; Мирзиёев Ш.М.Верховенство закона –важный фактор обеспечения интересов человека. –Тошкент. Узбекистан, 2017. – 48 б.; Мирзиёев Ш.М. .Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя.-Ташкент.Узбекистан, 2017. – 104 б.; Мирзиёев Ш.М. Великое будущее мы построим вместе с нашим мужественным и благородным народом.–Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

⁴ Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик. А.Махкамов таржимаси.-Тошкент. Шарқ, 2001. - 383 б.

⁵ Ал-Форобий. Фозил шаҳар аҳолиси.-Тошкент. Янги аср авлоди, 2016. –Б.69.

⁶ Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир. –Тошкент.Янги аср авлоди, 2013.-Б.63.

В Узбекистане в настоящее время исследования философов, посвященные анализу сущности человека, разделены на две группы: к первой группе относятся научные работы, в которых раскрывается закономерное становление человека, его место и значение в эволюционном развитии общества¹, а вторая группа это- труды направленные на изучение структуры, сущности человека и ее компонентов². В частности, Н.Шермухамедова утверждает, что сознание -основа бытия человека, оно имеет свою структуру и функции³. Действительно, сознание- это первый фактор отличающий человека от других животных существ, однако в процессе диалектики сознательной и бессознательной деятельности человека происходит взаимопереход их друг в друга. И поэтому, в этой мысли прослеживается абсолютизация сознания. З.Муминова разделяет бытие человека на индивидуальное - духовное бытие и объективированное духовное бытие и в этом процессе наблюдается приоритет объективированное духовного бытия⁴. Конечно, субъективное духовное бытие формируется под влиянием объективного духовного бытия, однако индивидуальное духовное бытие является важным критерием в определении внутреннего состояния человека.

Учение о человеке была главной темой в творчестве западных мыслителей - Ж.Ламетри, Д.Дидро, К.А. Гельвеция, И.Канта, М.Шелера. Например, первая философская работа Ж.Ламетри называется «Естественная история души», а основное философское произведение «Человек-машина»⁵. К.Гельвеций в своих работах «О разуме», «О умственных способностях человека и воспитание» пытался определить существование человека и даже написал поэтическое произведение «Счастье»⁶. И. Кант сделал важный шаг на пути понимания человека. Он утверждал «Цель всех достижений в сфере культуры, служащие школой человеку состоит из реализации на практике усвоенных знаний и навыков»⁷. В данной идеи прослеживается важность не только знания, но и необходимость формирования навыков использования данного знания на практике.

М. Шелер наиболее глубоко исследовал сущность человека – который впоследствии получил название-философская антропология. Он выдвигает мысль о том, что кризис общества, а также любые противоречия и проблемы это результат кризиса личности.

Наряду с антропологией, обзор литературы по элитологии в последние годы свидетельствуют о том, что она получает достойное развитие, основном в

¹Перечень научных трудов этих авторов приведена в конце диссертационной работы в «Список использованной литературы»

